

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI



**Маҳалла еттилигининг асосий вазифаларини
амалга ошириш бўйича**

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ - 2024

**МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИНИ
АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА**

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

УДК -----

ББК -----

Маҳалла еттилигининг асосий вазифаларини амалга ошириш бўйича услубий қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024. 34 бет.

Мазкур услубий қўлланма маҳалла еттилигини ташкил этувчи маҳалла фуқаролар йиғини раиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, ҳоким ёрдамчиси, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторлари томонидан маҳаллада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ва аҳолини ижтимоий ҳолати, уларнинг яшаш шароитларини яхшилар доирасида бажарилиши лозим бўлган вазифаларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

1.	МАҲАЛЛА РАИСИ ФАОЛИЯТИГА ОИД МУҲИМ МАСАЛАЛАР	5
2.	ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИЯТИГА ОИД ҚОИДАЛАР	8
3.	ЁШЛАР ЕТАКЧИСИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚОИДАЛАР	12
4.	ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ ФАОЛИЯТИГА ДОИР МУҲИМ ҚОИДАЛАР	13
5.	МАҲАЛЛАДА ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ	15
6.	ЕТТИЛИҚДА СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИНИНГ ЎРНИ	20
7.	ИЖТИМОЙ ХОДИМНИНГ ВАЗИФАЛАРИ	22
8.	МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИНИНГ УМУМИЙ ВАКОЛАТЛАРИ ВА ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШДА УЛАРНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ	27
9.	ИЛОВАЛАР	31
10.	ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР	34

МАҲАЛЛА РАИСИНИНГ ВАКОЛАТ МУДДАТИ НЕЧА ЙИЛ?



Маҳалла раиси “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи тўғрисида”ги Қонунга асосан уч йил муддатга сайланади.

МАҲАЛЛА РАИСИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

- 1 • Маҳалла ободлигини таъминлаш, шу жумладан, «Обод маҳалла», «Обод кўча», «Обод хонадон» мезонларини жорий этишда аҳолининг фаол иштироки ва масъулиятини ошириш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида даракт ва бута кўчатлари экиш бўйича тарғибот ишларини амалга ошириш.
- 2 • Миллий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарни тарғиб қилиш, соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни сақлаш, тўй-маросимларни исрофгарчиликларсиз ихчам ўтказилишини таъминлаш.
- 3 • Маҳаллага бириктирилган давлат органи вакилларини аҳоли муаммоларини ҳал этишга сафарбар этиш ва муаммоларга ечим топишини таъминлаш.
- 4 • Маҳаллада фаолият юритувчи ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика ва солиқ инспекторлари, ижтимоий ходим фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, маҳаллани ҳар томонлама ривожлантиришда улар имкониятларидан самарали фойдаланиш.
- 5 • Маҳалла ҳудудида қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, шу жумладан, таълим, тиббий хизмат, спорт, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш.

Маҳалла раиси мазкур 5 турдаги вазифаларни бажаришда қандай тадбирларни амалга ошириши лозим?

БИРИНЧИ ВАЗИФА БЎЙИЧА:

Ҳар ойда бир мартаба маҳалладаги барча кўчаларда оммавий ҳашар уюштиради, камида 2 та эҳтиёжманд оилаларнинг таъмирталаб хонадониди қўни-қўшниларни жалб этган ҳолда, ҳашар ташкил этади;

ИККИНЧИ ВАЗИФА БЎЙИЧА:

Ҳар чоракда бир мартаба маданият ходимлари, ёзувчи ва шоирларнинг аҳоли билан миллий кадриятлар ва урф-одатларни сақлаш, тўй-маросимларни ихчам ўтказиш бўйича учрашувлари ташкил этилишини таъминлайди;

УЧИНЧИ ВАЗИФА БЎЙИЧА:

Фуқаролар йиғинининг Кенгашида ҳар ойда камида 5 та маҳаллага бириктирилган давлат органлари вакиллариининг маҳаллада амалга оширган ишлари юзасидан ахборотини эшитиб, муаммоларни ҳал этишда кўмаклашади;

ТЎРТИНЧИ ВАЗИФА БЎЙИЧА:

Ҳар ҳафтада маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика ва солиқ инспекторлари, ижтимоий ходимлар ҳисоботини эшитади ва уларни ҳар бири ҳар ойда камида 10 тадан муаммоли масалаларни ҳал этишини назоратга олади;

БЕШИНЧИ ВАЗИФА БЎЙИЧА:

Ҳар ҳафтада бир мартаба маҳалла ҳудудидаги таълим ташкилотиди ўқувчиларнинг давомати, оилавий поликлиникаларда (қишлоқ врачлик пунктларида) аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат ва патронаж ҳамшираларининг оилаларга ташрифи, спорт ташкилотларининг аҳоли учун очиклиги, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари атрофининг тозалиги ҳамда дарахтларни парваришлаш ҳолатини ўрганади.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси ўз вазифаларини амалга оширишда қуйидаги ваколатларга эга:

- 1 • Ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли, ички профилактика (катта) инспекторлари, солиқ инспектори ва ижтимоий ходимни биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни бартараф этишга йўналтиради ҳамда бу борада жамоатчилик назоратини ўрнатади;
- 2 • Маҳалла етилиги фаолиятини баҳолаш ҳамда натижалари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашларига ахборот киритиб боради;
- 3 • кексаларнинг муаммоларини манзилли ўрганиш ва бартараф этиш чораларини кўради;
- 4 • кам таъминланган оилаларнинг, етим болаларнинг, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг, шунингдек, табиий офатлардан ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритади;
- 5 • Ёшларга оилада ва жамоат жойларида ўзини тутиш маданиятини шакллантиришга оид чораларнинг амалга оширилишини назорат қилиб боради;
- 6 • Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколат ва вазифаларни амалга оширади.

Маҳалла раиси ўз вазифаларини амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқлардан фойдаланади


- 1 Давлат органларида, шу жумладан судда, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда МФЙ номидан иш юритади, шартнома ва меҳнат шартномалар тузади;
- 2 МФЙдаги ишсиз фуқаролар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш бўйича меҳнат шартномаларини тузади;
- 3 МФЙга тегишли бўлган пул маблағларини тасарруф этади;
- 4 Давлат органлари ва бошқа ташкилотлари билан МФЙ фаолиятига доир масала мюзасидан ҳамкорликни амалга оширади;
- 5 МФЙ томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, уларни бажармаган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тақдимнома киритади.

МАҲАЛЛА РАИСИ ФАОЛИЯТИ ДАВОМИДА НИМАЛАРГА МАЖБУР?



- ✓ ўз зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни тўлиқ ва сифатли бажариш;
- ✓ фуқаролар билан муносабатларда хуш муомала бўлиш ва низоларни ҳал қилишда адолатли ва холис бўлиш;
- ✓ маҳалла ва оилалардаги маънавий муҳитни барқарорлигининг бузилишига, фуқароларнинг кадр-қиммати камситилишига, ҳуқуқ ва эркинликларини поймол этилишига йўл қўймаслик;
- ✓ “маҳалла – сектор – халқ қабулхонаси – маҳалла” ҳамкорлик тизими асосида ҳар чоракда ўз маҳалласи ҳудудидаги долзарб муаммолар тўғрисида маълумотларни сектор раҳбарлари ва халқ қабулхоналарига бериб боради;
- ✓ ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида ўзига маълум бўлган ахборотларни қатъий сир сақланишини таъминлаш ва шу каби бошқа мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИ НИМАЛАРГА МАСЪУЛ?



ҚАЙД ЭТИЛГАН ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИ ҚҶЙИДАГИ ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ:


- ✓ Ҳар ойда камида 20 та оилага кириб, оилавий қадриятларни тарғиб этади ва никоҳларнинг қонунийлигини таъминлайди;
- ✓ Ҳар ойда бир мартаба мактабдаги ўқувчи қизлар билан учрашиб, уларнинг таълим олишга қизиқишини оширади;
- ✓ Ҳар ойда камида 10 нафар оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатишни ташкил этади;
- ✓ Ҳар ойда бир мартаба жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган хотин-қизлар хонадонига бориб, муаммосини ўрганади;
- ✓ Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини аниқлайди ва профилактика инспекторига хабар беради.




Хотин-қизлар фаоли вазибаларини бажаришда қуйидаги ваколаларга эга:

- хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш, улар фаолиятига кредит, субсидия ва бошқа ёрдам чораларини кўриш бўйича ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорлик қилади;
- хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этади;
- оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий-маънавий масалалар тўғрисида ҳар ойда фуқаролар йиғини кенгашига, ҳар чоракда камида бир марта фуқаролар йиғини мажлисига ҳисобот беради;
- хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш мақсадида фуқаролар йиғини кенгаши ва ваколалли давлат органига мурожаат қилади ҳамда мурожаатлари бўйича ишлар бажарилмаган тақдирда, маҳалла раиси орқали юқори турувчи ташкилотга ёхуд ҳуқуқ-тартибот идораларига тақдимнома киритади.


“Аёллар дафтари” янги тизimini жорий этишда энг аввало амалга ошириладиган ташкилий масалалар:



“Аёллар дафтари” қуйидаги уч босқичда шакллантирилади:



ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ КОМИССИЯСИ ҚАЙСИ ҚОИДАЛАР АСОСИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАДИ?




↓ БУ МУҲИМ!

Комиссиянинг асосий вазифаларидан бири суд ёки ФХДЁ органидан никоҳдан ажрашишга ариза билан мурожаат қилган **эр-хотинларни яраштириш учун** тегишли чоралар кўриш бўйича хабар олингандан сўнг ярашиш учун **белгиланган муддат тугашидан ўн кун** аввал уларни яраштириш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида тегишли равишда суд ёки фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органини хабардор қилади.


ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ЁШЛАР ЕТАКЧИСИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармонида белгиланган вазифалар)



- Камбағал оилалар учун “индивидуал дастур” ишлаб чиқариш орқали давоматин ошириш тадбирлари
- Ҳет элга чиқиб кетган ва қайтган шахсларнинг бандлигини таъинлашга қўмаклашишида банк хизматларини кўрсатиш
- Фуқароларни бандлигини таъминлашга доир имкониятларни ўрганиш
- Маҳалладаги фуқароларга қўлай банк хизматларини кўрсатиш

ҲОҚИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ



ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ ФАОЛИЯТИГА ДОИР МУҲИМ ҚОИДАЛАР



АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МОЛИЯВИЙ ДАСТАКЛАР

ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ МЕҲНАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ИШ БЕРУВЧИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ОРҚАЛИ ИШСИЗЛАР БАНДЛИГИГА ҚўМАКЛАШИШДА ҚўЙИДАГИ МОЛИЯВИЙ ДАСТАКЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИ:

ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТГАН ИШ БЕРУВЧИЛАРГА (МУЛКНИНГ ШАКЛИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР) ЖАМОАТ ИШЛАРИГА ЖАЛБ ҚИЛГАН **ҲАР БИР ХОДИМНИНГ ИШ ҲАҚИ ТўЛОВИ** ЖАМОАТ ИШЛАРИ ЖАМФАРМАСИ ҲИСОБИДАН (**БЮДЖЕТ 100%, НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР 50%**) МОЛИЯЛАШТИРИБ БЕРИЛАДИ)

822,3 МИНГ СўМДАН - 1.6 МЛН. СўМГАЧА

МЕҲНАТ ОРГАНЛАРИ ЙўЛЛАНМАСИ БИЛАН ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ХОДИМНИ **КАСБГА ЎРГАТИШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ** ХАРАЖАТЛАРИ УЧУН - ҲАР БИР ХОДИМ УЧУН **6 ОЙ ДАВОМИДА** ҲАР ОЙДА БҲМНИНГ **4 БАРАВАРИГАЧА** МИҚДОРДА СУБСИДИЯ АЖРАТИЛАДИ

1,080 МЛН. СўМГАЧА

БАНД ҚИЛИНГАН (КВОТА) ИШ ЎРНИДАН ОРТИҚ МИҚДОРИДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЛИНАЁТГАН ШАҲСЛАРНИ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛГАН ҲАР БИР ХОДИМ УЧУН - **12 ОЙ ДАВОМИДА** ҲАР ОЙДА БҲМНИНГ **2 БАРАВАРИ** МИҚДОРИДА СУБСИДИЯ АЖРАТИЛАДИ

540,0 МИНГ СўМ

БАНД Бўлмаган ШАХСЛАРНИ, АЙНИҚСА, МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИДАН ҚАЙТГАН ФУҚАРОЛАР, КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРДА ЯШОВЧИ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ **КАСБГА ҚАЙТА ЎҚИТИШГА САРФЛАНАДИГАН** ХАРАЖАТЛАРНИ **ГРАНТ** АЖРАТИШ ОРҚАЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

ТАНЛОВ АСОСИДА

КАСБ-ХУНАРГА ЎҚИТИШ МАРКАЗЛАРИ, КОЛЛЕЖЛАР ВА ОЛИЙ Ўқув ЮРТЛАРИДА КАСБ-ХУНАРГА ТАЙЁРЛАШ, АГРОТЕХНОЛОГИЯ, БОҒДОРЧИЛИК, САБЗАВОТЧИЛИК, ЧОРВАЧИЛИК, ПАРРАНДАЧИЛИК, БАЛИҚЧИЛИК ҲАМДА АСАЛАРИЧИЛИК СОҲАСИДА ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН Хўжалиklarининг РАҲБАРЛАРИ ВА ИШЧИЛАРИ ҲАМДА ТОМОРҚА ЕР ЭҒАЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШГА **ГРАНТ МАБЛАҒЛАРИ** АЖРАТИЛАДИ

ТАНЛОВ АСОСИДА



АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МОЛИЯВИЙ ДАСТАКЛАР

ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ МЕҲНАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ИШ БЕРУВЧИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ОРҚАЛИ ИШСИЗЛАР БАНДЛИГИГА ҚўМАКЛАШИШДА ҚўЙИДАГИ МОЛИЯВИЙ ДАСТАКЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИ:

ХУНАРМАНДЛАРГА ИШСИЗЛАРНИ, АЙНИҚСА Ёшларни "УСТА-ШОГИРД" ТИЗИМИ Бўйича МИЛЛИЙ ВА БАДИИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИК КАСБИГА ЎҚИТИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҚОПЛАБ БЕРИЛАДИ

БҲМНИНГ 1 БАРАВАРИДАН КўП Бўлмаган МИҚДОРДА

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ИШ ўринлари ВА Шароитларини НОГИРОНЛИГИ Бўлган ШАХСЛАРГА МОСЛАШТИРИШ УЧУН ҲАР БИР МОСЛАШТИРИЛАЁТГАН ИШ ЖОЙИ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҚОПЛАШ УЧУН БАЗАВИЙ ҲИСОБЛАШ МИҚДОРНИНГ **40 БАРАВАРИГАЧА** СУБСИДИЯ АЖРАТИЛАДИ

БҲМНИНГ 40 БАРАВАРИГАЧА

"ЎЗБЕКПАКСАНОАТ" Уюшмаси АЪЗОЛАРИГА Қўлда ГИЛАМ ВА ИПАК МАТО Тўқиш УСКУНАЛАРИ ХАРИД ҚИЛЛИШГА САРФЛАНГАН ХАРАЖАТЛАРНИ ҚОПЛАШ УЧУН БАЗАВИЙ ҲИСОБЛАШ МИҚДОРНИНГ **10 БАРАВАРИГАЧА** СУБСИДИЯ АЖРАТИЛАДИ

БҲМНИНГ 10 БАРАВАРИГАЧА

"ҚОРАКўЛЧИЛИК" Уюшмаси АЪЗОЛАРИГА ҚўЛ МЕҲНАТИ УЧУН УСКУНАЛАР ХАРИД ҚИЛИШ Бўйича ХАРАЖАТЛАРНИ ҚОПЛАШ УЧУН БАЗАВИЙ ҲИСОБЛАШ МИҚДОРНИНГ **10 БАРАВАРИГАЧА** СУБСИДИЯ АЖРАТИЛАДИ

БҲМНИНГ 10 БАРАВАРИГАЧА

ўрмон Фонди Ерларини ИЖАРАГА ОЛГАН ИЖАРАЧИЛАР МЕҲНАТ ОРГАНИДА Рўйхатдан ўтган ИШСИЗ ШАХСЛАРНИ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛГАН ТАҚДИРДА, УЛАРГА ИШ ҲАҚИ Тўлаш ХАРАЖАТЛАРИНИ ҚОПЛАШ УЧУН **6 ОЙ ДАВОМИДА** ўртача ИШ ҲАҚИНИНГ **50 ФОЙЗИ** МИҚДОРИДА, БИРОҚ, **ҲАР БИР ОЙ УЧУН** БАЗАВИЙ ҲИСОБЛАШ МИҚДОРНИНГ **2 БАРАВАРИДАН** ОШМАГАН МИҚДОРДА СУБСИДИЯ АЖРАТИЛАДИ

БҲМНИНГ 2 БАРАВАРИДАН ОШМАГАН МИҚДОРДА



ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ МАҲАЛЛА ХУДУДА ИШЛАШ ИСТАГИДА БЎЛГАН КИШИЛАРНИ ВАКАНТ ЖОЙЛАРГА ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА МЕҲНАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИҚДА ҚУЙИДАГИ ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ:

1

МАВЖУД БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИНИ АҲОЛИ БАНДЛИГИГА КЎМАКЛАШИШ МАРКАЗИ (АБКМ) ОРҚАЛИ ЁКИ ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ ОРҚАЛИ АНИҚЛАЙДИ

2

МАҲАЛЛАДАГИ ИШСИЗ ФУҚАРОЛАРГА БЎШ (ВАКАНТ) ИШ ЎРИНЛАРИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

3

ИШСИЗЛАРНИ МАҚБУЛ КЕЛГАН ИШ ЎРИНЛАРИ БЎЙИЧА АҲОЛИ БАНДЛИГИГА КЎМАКЛАШИШ МАРКАЗИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШ УЧУН ЮБОРАДИ

4

БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИГА БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ

5

ИШСИЗЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШГАНЛИГИНИ МОНИТОРИНГ АСОСИДА ЎРГАНИБ БОРАДИ

МАҲАЛЛАДА ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ



БУ МУҲИМ!

↓
Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари чекланишига, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалада бўлишга, шахсий ҳаёт, ёзишмалар, телефонда сўзлашувлар, почта, телеграф хабарлари ва бошқа хабарлар сир сақланиши, бир жойдан иккинчи жойга эркин кўчиш ва яшаш жойини танлаш, шунингдек шахсий дахлсизлиги, уй-жой дахлсизлиги бузилишига йўл қўйилмайди.

Профилактика (катта) инспекторлари маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

- тегишли ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш ишларини ташкил этади, ушбу йўналишда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга оширади;
- ҳудуддаги криминоген вазиятни, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари, уларга имкон берувчи шарт-шароитларни ўрганади ва натижалари бўйича **фуқаролар йиғини раиси**, туман (шаҳар) ички ишлар органи, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлимига тегишли маълумот ва таклифларни тақдим этади;
- криминоген вазият оғир бўлган маҳаллаларда жиноятларни жиловлаш бўйича жалб қилинган ҳамкор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг иш натижаларидан келиб чиқиб, уларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш бўйича таклифлар киритади;
- биринчи марта озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган ҳамда енгилроқ жазо қўлланилиб, тўғридан-тўғри пробация назоратига олинган шахсларнинг хулқ-атворини назорат қилади, уларни ижтимоий мослаштириш ва қайта жиноят содир этишининг олдини олишга кўмаклашади;
- доимий яшаш жойи бўйича ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинмаган ёхуд бошқача тарзда паспорт-виза режими талабларини бузган ҳолда яшаётган шахсларни аниқлайди, фуқароларнинг турар жойлари ижараси ёки улардан текин фойдаланиш тўғрисидаги шартномаларнинг мавжудлигини текширади;
- санитария, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва ёнғин хавфсизлиги соҳаларидаги қонунчиликка риоя этилиши бўйича чораларни амалга оширишда иштирок этади;
- васийлик ва ҳомийлик органларига етим болалар ва ота-оналар қаровисиз қолган болаларни жойлаштиришда кўмаклашади;

Профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш жараёнида қандай ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин?



Фуқаролар ва мансабдор шахслардан қонунчиликка риоя этиш ва ғайриқонуний ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилиш;



маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш ва ўзларига тааллуқли бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш;



иш юритувларида бўлган ишлар бўйича ҳолатларни аниқлаш мақсадида фуқаролар ва мансабдор шахсларни чақириш;



фуқароларни, уларнинг розилиги билан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чораларини амалга оширишда кўмаклашишга жалб этиш;




қонунда кўрсатилган ҳолатлар ва тартибда қурол ва махсус воситаларни қўллаш.



фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текшириш, уларнинг ёнларида тақиқланган буюм ва воситалар мавжуд деб гумон қилинганда шахсий кўриқдан ўтказиш ва уларнинг ашёларини кўздан кечириш, улар аниқланган тақдирда, уларни олиб қўйиш;

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ
ҚУЙИДАГИЛАРДАН ИБОРАТ:




БУНИ БИЛИШ ЗАРУР!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ–209-сон Фармониغا асосан профилактика (катта) инспектори маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳитни таъминлаш, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашишга масъул этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон Қарорига асосан ҳафтанинг ҳар пайшанба куни “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” этиб белгиланган бўлиб, мазкур кунда қуйидаги схемада кўрсатилган

тадбирлар амалга ошириб борилиши лозим:



ЕТТИЛИҚДА СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ?



Солиқ инспектори ўзи бириктирилган маҳаллада яшовчи тадбиркорларга солиқ хизматларини кўрсатиш, солиқ базасини кенгайтириш, солиқларни ундириш ва маҳалла бюджетининг даромадини шакллантиришга масъул бўлади.

ЭСЛАБ ҚОЛИНГ!

Солиқ солиниши лозим бўлган фойда суммаси **солиқ базаси ҳисобланади.**

Солиқ инспектори томонидан маҳалланинг солиқ базасини кенгайтириш учун солиқ инспектори ўзи бириктирилган маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, ишсиз бўлган фуқароларни иш билан таъминлаш ва мазкур йўналишда ҳоким ёрдамчилари билан яқиндан ҳамкорликни олиб бориши зарур.

СОЛИҚ БАЗАСИ ҚҰЙИДАГИ ТАРТИБДА АНИҚЛАНАДИ:

1

товарларни (хизматларни) бошқа товарларга (хизматларга) айирбошлаб реализация қилишда

2

товарларни (хизматларни) бепул беришда (кўрсатишда);

3

юримдик шахсининг мол-мулкидан шахсий мақсадларда фойдаланишда.



МАҲАЛЛА БЮДЖЕТИНИНГ ДАРОМАДИ ҚАЙСИ МАНБАЛАРДАН ШАКЛЛАНАДИ?



ТУМАНЛАРДА МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҒИ БҮЙИЧА УНДИРИЛГАН МАБЛАҒЛАРНИНГ 10 ФОИЗИ;

(бундан нотурар жойлар бўйича мол-мулк ва ер солиғи мустасно)



МАҲАЛЛАДАГИ ҲУДУДИ 2 000 КВАДРАТ МЕТРГАЧА БУЛГАН ДАВЛАТ КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ МАҲАЛЛАДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ МАСАЛАЛАРИ БҮЙИЧА ТУМАН (ШАҲАР) ҲОКИМИ ЁРДАМЧИСИНИНГ ОНЛАЙН-БУЮРТМАНОМАСИГА АСОСАН ТЎҒРИДАН ТЎҒРИ ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОН САВДОЛАРИ ОРҚАЛИ СОТИШДАН ТУШАДИГАН МАБЛАҒЛАР, БАҲОЛАШ ВА СОТИШ ҚАРАЖАТЛАРИ ЧЕГИРИЛГАН ҚОЛДА;



МАҲАЛЛАНИНГ МОЛ-МУЛКИНИ БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА ИЖАРАГА БЕРИШДАН ОЛИНАДИГАН МАБЛАҒЛАР;



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН (ШАҲАР) КЕНГАШЛАРИ ҚАРОРЛАРИГА АСОСАН МАҲАЛЛИЙ БУДЖЕТНИНГ ҚЎШИМЧА МАНБАЛАРИ ҲИСОБИДАН АЖРАТИЛАДИГАН МАБЛАҒЛАР;



МАҲАЛЛАДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ МАСАЛАЛАРИ БҮЙИЧА ТУМАН (ШАҲАР) ҲОКИМИ ЁРДАМЧИСИ ТАВСИЯСИ АСОСИДА МАҲАЛЛА ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН МАҲАЛЛИЙ БУДЖЕТДАН АЖРАТИЛАДИГАН МАБЛАҒЛАР;



ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАҲСЛАРНИНГ ҲОМИЙЛИК ХАЙРИЯЛАРИ;



ХОРИЖИЙ (ХАЛҚАРО) МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ ВА БОШҚА ХОРИЖИЙ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ТЕХНИК КЎМАК МАБЛАҒЛАРИ (КРЕДИТ, ГРАНТ, БЕҒАРАЗ ЁРДАМ ВА БОШҚАЛАР);



ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ БИЛАН ТАҚИҚЛАНМАГАН БОШҚА МАНБАЛАР.


ИЖТИМОЙ ХОДИМ БИЛИШИ ЗАРУР БЎЛГАН ВАЗИФАЛАР



Ижтимоий ходим — оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар ва оилаларни аниқлаш, уларнинг эҳтиёжларига қараб, комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий хизмат кўрсатиш ва ёрдамларни ташкил этишга масъул шахс ҳисобланади.

Ижтимоий ходим биринчи навбатда қайси турдаги шахслар ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар эканлигини билиши зарур бўлиб, мазкур тоифадаги шахслар қуйидагиларда иборат:

Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар:

-  ➤ ўзгаларнинг парваришига муҳтож ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар;
-  ➤ ногиронлиги бўлган шахслар ва оғир касалликка чалинганлар;
-  ➤ кам таъминланган оилалар;
-  ➤ жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар;
-  ➤ етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар;
-  ➤ ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилмасдан фарзандлари олиб кетилган ота-оналар;
-  ➤ ота-онаси хорижий давлатларга (миграцияга) кетган болалар ҳамда вояга етмаган (18 ёшгача бўлган) ёлғиз оналар ва оталар
-  ➤ тазйиқ ва зўравонликка учраган шахслар ва уларнинг вояга етмаган болалари

ИЖТИМОЙ ХОДИМ ҚАНДАЙ ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармонида белгиланган вазифалар:

аҳолини ижтимоий хизмат ва ёрдамлар ҳақида хабардорлигини ошириб бориш;

ҳар бир хонадон аҳолини ўрганиб, оилалардаги ҳолатни ҳамда уларнинг ижтимоий хизматлар ва ёрдамга бўлган эҳтиёжини баҳолайди;

зарур ҳолларда ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс учун индивидуал тартибда ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш режасини ишлаб чиқади;

ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатилишини ташкиллаштиради;

Зарурат бўлганда ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс номидан ижтимоий хизмат ва ёрдамлардан фойдаланиш учун сўровнома (ариза) киритади;

Ички ресурсларни, шу жумладан ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича кўнгилларни (қариндошлар, қўни-қўшнилар, волонтерлар) жалб қилиш ва уларни фаолиятини мувофиқлаштириш;

"маҳалла еттилиги" ва бошқалар билан ҳамкорликда муаммоларни ечиш бўйича комплекс чўралар кўриш;

аҳолига давлат томонидан кафолатланган ижтимоий хизмат ва ёрдамлар тўғрисида тушунтириш бериш.

Ижтимоий ходимнинг асосий вазифалари ва амалга ошириш механизмлари



ҚУЙИДАГИ ҲОЛЛАРДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ШАХСНИНГ АЛОҲИДА РОЗИЛИГИНИ ТАЛАБ ҚИЛМАСДАН ШОШИЛИНЧ ИЖТИМОЙ ХИЗМАТ ВА ЁРДАМЛАР КЎРСАТИЛАДИ:



Тазйиқ ва зўравонлик, шу жумладан болаларга нисбатан зўравонлик;



шошилинч тиббий ва руҳий ёрдамга муҳтожлик;



муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар;



ота-она қарамоғисиз, қаровсиз ва назоратсиз қолиб кетган болалар аниқланган ҳолатлар;



ўз жонига қасд қилиш эҳтимоли бўлган ҳолатлар.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахснинг номидан сўровнома (ариза) кiritиш йўли билан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар қуйидагилардан иборат:

I. Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар бўйича:

1.1 агентлик тизимидаги кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун **санаторийларга йўлланмалар ажратиш;**

1.2 ёлғиз яшовчи ва ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахс деб **эътироф этиш ёки бекор қилиш;**

1.3 Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ёки ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган **шахс деб эътироф этиш ёки бекор қилиш.**

II. Етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ҳамда тўлиқ бўлмаган оилалардаги болалар бўйича:

2.1 мактабгача таълим ташкилотларига **жойлаштириш;**

III. Ногиронлиги бўлган шахслар, оғир касалликка чалинганлар, шунингдек, жисмоний, ақлий сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар бўйича:

3.1 ногиронликни белгилаш ва ногиронлик гуруҳини ўзгартириш;


3.2 протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини ажратиш;

3.3 ногиронлиги бўлган шахслар учун мумкин бўлган меҳнат фаолияти турлари тўғрисидаги маълумотнома (тавсиянома) олиш;

3.4 махсус жиҳозланган **транспорт воситасини** бошқариш учун хулоса сўраб қилган мурожаатини тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясига йўналтириш;

3.5 тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан ногиронлиги бўлган шахсларга **"Парапаспорт ўйинларида тасниф қоидалари ва принциплари"**га кўра паспорт билан шуғулланишлари учун хулоса олиш.

ИЖТИМОЙ ХОДИМНИНГ МАҲАЛЛА БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ ҚУЙИДАГИЛАРДА ИБОРАТ:



МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИНИНГ УМУМИЙ ВАКОЛАТЛАРИ ВА ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШДА УЛАРНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори **жамоатчилик асосида** фаолият юритадиган «**маҳалла еттилиги**»ни ташкил қилади.

2024 йил 1 мартдан бошлаб «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари» орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш **маҳалла еттилиги иштирокида** қуйидаги тартибда амалга оширилади:

жисмоний шахсларни дафтарларга киритиш, шунингдек, дафтарлар ҳамда Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳамда Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш «маҳалла еттилиги»нинг коллегиял қарори асосида;

ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ва ижтимоий ходим уларга юклатилган вазифалар юзасидан жисмоний шахсларни тегишли дафтарларга киритиш ва чиқариш ҳамда ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш бўйича ҳужжатларни шакллантириб, маҳалла «еттилиги»нинг бошқа барча аъзоларига кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун киритади;

«Саховат ва кўмак» жамғармаси томонидан кўрсатиладиган ёрдамлар фуқароларнинг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш ва шундай вазиятга тушганларни оғир вазиятдан чиқариш мақсадида ижтимоий ходим томонидан маҳалла «еттилиги»га кўриб чиқиш учун киритилган ҳолда кўрсатилади;

ижтимоий ёрдам ва субсидиялар аҳолининг камбағалликдан чиқишини таъминлаш учун мақсадли ва манзилли йўналтирилиши ҳамда қарорлар қабул қилинишида очиқлик, ҳаққонийлик, ижтимоий адолат ва шаффофлик тамойилларига риоя қилиниши учун «маҳалла еттилиги» масъул ва жавобгар бўлади

БУ МУҲИМ!

↓
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармониغا асосан 2024 йил 1 мартдан бошлаб «Темир дафтар» Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан юритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармониغا асосан «Маҳалла еттилиги»нинг коллегиял қарорлари асосида жами **64 турдаги** ижтимоий ёрдам ва субсидиялар ажратилади.

ОҒИР ТОИФАДАГИ ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШДА МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ



ЖИНОЯТЧИЛИККА МОЙИЛ ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШДА МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ



ИШСИЗ ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШДА МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ



МИГРАЦИЯДАГИ ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШДА МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИНИНГ ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИ



ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ БИЛАН ИШЛАШДА МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИНИНГ ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИ



Услубий қўлланмага 1-илова

**Томорқа ер эгаларига енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун
субсидия ажратиш бўйича Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг
йиғилиши) намунавий баённомаси**

**«Шодиёна» фуқаролар йиғинининг
_____ -сон баённомаси**

20 __ йил «__»

_____ туман

(шаҳар)

Раислик қилувчи:				Ф.И.О					
Қатнашганлар:				Жами 15 киши					
				Ховлилар, уйлар, кўчалар, маҳалладан фуқароларнинг вакиллари ____ киши.					
Таклиф этилганлар:				Кенгаш аъзолари: ____ киши. Ташкилотлар вакиллари (Ф.И.О., иш жойи, лавозими).					
КУН ТАРТИБИ:									
1. Фуқаро О.Акрамов, А.Фозиловларга томорқа ер эгаларига енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун субсидия ажратиш масаласи.									
2. Фуқаро О.Акрамов, А.Фозиловларга томорқа ер эгаларига енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун бизнес лойиҳаси муҳокамаси.									
3. Фуқаро О.Акрамов, А.Фозиловларга томорқа ер эгаларига енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун мутахассислар фикри.									
ЭШИТИЛДИ:									
Маърузачи: МФЙ раиси: Ф.И.О									
Сўзга чиқдилар: ҳоким ёрдамчиси Ф.И.О, солиқчи Ф.И.О									
ҚАРОР ҚИЛИНДИ:									
1. Фуқаро О.Акрамов, А.Фозиловларга томорқа ер эгаларига енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.									
2. Ҳоким ёрдамчиси ва солиқчи фуқаро О.Акрамов, А.Фозиловларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда кўмаклашиб боришсин.									
	Мажлис котиби			имзо		Ф.И.О			
	Мажлис раиси			имзо		Ф.И.О			
	М.Ў.								

НАМУНА ЛОЙИҲАСИ

_____ туман (шаҳар) _____ маҳалла фуқаролар йиғинининг
оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси қарори № _____

25.01.2024 йил

_____ тумани

Қатнашдилар:

Раислик қилувчи:

МФЙ раиси

А.Абдуллаев

Комиссия аъзолари:

МФЙ хотин-қизлар фаоли

Б.Абдуллаева

Кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича
маслаҳатчи

В.Абдуллаев

Имом-хатиб

Г.Абдуллаев

таълим муассасалари раҳбарлари ёки
уларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича
ўринбосарларидан бири

Д.Абдуллаева

Оилавий шифокорлик пункти (оилавий
поликлиника) вакили

Е.Абдуллаева

Психологлардан бири

Ё.Абдуллаева

Ҳаётий тажрибага эга бўлган, намунали оила
бошлиқлари, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга
эга бўлган ҳамда ўзининг тарбиявий
таъсирини ўтказа оладиган маҳалла
фаолларидан бир нечтаси

Ж.Абдуллаев

З.Абдуллаева

И.Абдуллаев

Комиссия котиби

Р.Абдуллаева

Фуқаро К.Абдуллаевнинг мурожаатини қўриб чиқиш ҳақида

(Сўзга чиққанларнинг ФИО ёзилади)

_____ туман (шаҳар) _____ маҳалла фуқаролар йиғинининг оилавий
қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси йиғилишини комиссия раиси А.Абдуллаев очиб
берди.

Комиссия котиби томонидан фуқаро К.Абдуллаевнинг мурожаати йиғилиш
иштирокчиларига ўқиб эшиттирилди.

Хусусан,

муурожаатда

_____ масалалар баён этилган.

Фуқаролар К.Абдуллаев ва Қ.Абдуллаеваларнинг никоҳини сақлаб қолиш мақсадида, уларнинг оилавий аҳволи ўрганилганда қуйидагилар аниқланди:

Комиссия аъзолари томонидан фуқаролар К.Абдуллаев ва Қ.Абдуллаеваларнинг оилавий ҳолатларини инобатга олиб, комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Фуқаролар К.Абдуллаев ва Қ.Абдуллаеваларнинг никоҳини сақлаб қолиш (яраштириш) имкони мавжуд (мавжуд эмас) деб топилсин.

2. Мазкур қарор ФХДЁ бўлимига (судга) маълумот (кўриб чиқиш, ижро қилиш) учун юборилсин.

3. Ушбу қарорни тегишли органга юбориш комиссия котиби Р.Абдуллаева зиммасига юклатилсин.

Комиссия раиси

А.Абдуллаев

Комиссия аъзолар:

Б.Абдуллаева

В.Абдуллаев

Г.Абдуллаев

Д.Абдуллаева

Е.Абдуллаева

Ё.Абдуллаева

Ж.Абдуллаев

З.Абдуллаева

И. Абдуллаев

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги ПҚ-319-сон қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПҚ-402-сон қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармони
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги ПФ-81-сон Фармони
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сон қарори
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги ПФ-29-сон Фармони
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сонли қарори
9. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 июндаги 380-сон қарори билан тасдиқланган Фуқаролар йиғини тўғрисидаги намунавий низом
10. <https://ppt-online.org/1421972>
11. api.moiti.uz/media/book/A_Дафтар_12_20.pdf